

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЮСУПОВА НАРГИЗА АБДИКОДИРОВА

ЭНЕРГЕТИК ИЧИМЛИКЛАР ТАЪСИРИДА ОШҚОЗОН
ДЕВОРИНИНГ СТРУКТУР-ФУНКЦИОНАЛ ЎЗГАРИШЛАРИ,
КОРРЕКЦИЯ УСУЛЛАРИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ

14.00.02 – Морфология

тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Юсупова Наргиза Абдикодировна

Энергетик ичимликлар таъсирида ошқозон деворининг

структур-функционал ўзгаришлари, коррекция

усулларини оптималлаштириш 3

Юсупова Наргиза Абдикодировна

Структурно-функциональные изменения стенки желудка под

влиянием энергетических напитков, оптимизация

методов коррекции 23

Yusupova Nargiza Abdikodirovna

Structural and functional changes the walls of the stomach under the

influence of energy drinks, optimization correction methods 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 48

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЮСУПОВА НАРГИЗА АБДИКОДИРОВА

**ЭНЕРГЕТИК ИЧИМЛИКЛАР ТАЪСИРИДА ОШҚОЗОН
ДЕВОРИНИНГ СТРУКТУР-ФУНКЦИОНАЛ ЎЗГАРИШЛАРИ,
КОРРЕКЦИЯ УСУЛЛАРИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

14.00.02 – Морфология

**тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.2.PhD/Tib2647 рақам билан рўйхатга олинган

Докторлик диссертацияси Самарқанд давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Орипов Фирдавс Суръатович
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Ахмедова Сайёра Мухамедовна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Мамасаидов Жамолиддин Турғунбаевич
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Ош давлат университети
(Қирғизистон Республикаси)

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй, Тошкент тиббиёт академиясининг 10-ўқув биноси, 1-қават. Тел./факс: (+99871) 150-78-25, e-mail: info@tma.uz).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй; Тошкент тиббиёт академиясининг 2-ўқув биноси «Б» корпуси, 1-қават, 7-хона. Тел./факс: (99871) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2024 йил «_____» _____ да тарқатилди.

(2024 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Г.И.Шайхова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.Ш.Алимухамедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Р.Дж.Усманов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё бозорида энергетик ичимликлар XX асрнинг сўнги чорагида пайдо бўлган. Энергетиклар истеъмол қилинишининг кескин ортиши 2000 йилларнинг ўрталарида бошланган. Шундай қилиб, 2006 йилда дунёда деярли 500 та бренд рўйхатга олинди ва ичимлик турлари кўпайишда давом этмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти «...ёшлар орасида энергетик ичимликларни кўп истеъмол қилинаётганлиги ва уларнинг узоқ муддатли таъсирлари олимлар ва жамоатчилик томонидан эътиборсиз қолаётганлигини...»¹ таъкидлаб, бу келажакда соғлиқни сақлаш тизимида жиддий муаммога олиб келиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантирди. Шуниси эътиборга лойиқки, 2005 йил февралдан 2009 йил декабригача бўлган даврда Янги Зеландия Миллий токсикология марказига 82 кўнғироқдан 20 таси энергетик ичимликлар истеъмоли билан боғлиқ кўнғил айнаши, қусиш ва қорин оғриғи билан бўлганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд. Кофеиннинг ошқозон шиллиқ қаватининг секрециясига ингибирловчи таъсири ошқозон шиллиқ қаватининг шикастланишида муҳим омилларидан биридир. Шу муносабат билан ошқозоннинг функционал ва органик бузилишлари билан боғлиқ касалликларни олдини олиш, ташхислаш ва даволаш тамойилларини ишлаб чиқиш ҳамда такомиллаштириш бўйича тадқиқотларни ўтказиш замонавий тиббиётнинг долзарб муаммоларидан биридир.

Жаҳонда энергетик ичимликларнинг организмга, жумладан ошқозон морфо-функционал ҳолатига таъсири бўйича қатор мақсадли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада энерготоникларнинг ошқозон девори ҳолатига таъсирини гистопатологик оқибатларини чуқур ўрганиш ва бунда ошқозон функционал ҳолатини баҳолаш, уларни ошқозон-ичак тизими ферментларига таъсирини зардоб даражасида текшириш, энергетик ичимликларнинг салбий таъсири натижасида ошқозонда юзага келган морфофункционал ўзгаришларни эрта ва ўз вақтида ташхислаш, ҳамда оқибатларини олдини олиш юзасидан амалий тавсиялар ишлаб чиқишга қаратилган тадқиқотлар алоҳида илмий ва амалий аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, ҳазм аъзоларининг функционал ва органик фаолиятини бузилиши касалликлари ва унинг асоратларини камайтириш, шунингдек, касалликнинг даволаш усулларини такомиллаштириш ва олдини олишга қаратилган кенг қамровли чора тадбирлар амалга оширилиб муайян натижаларга эришилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг етита устувор йўналишига мувофиқ «...аҳоли заиф тоифаларининг тўлақонли ҳаёт кечиршини таъминлаш мақсадида тиббий-ижтимоий ёрдам тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш...»² каби

¹ Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, 2014.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60 сонли Фармони

вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, экспериментал шароитда каламушлар ошқозон деворида юзага келган ўзгаришларни қиёсий морфофункционал текширувлар ва ноинвазив лаборатор таҳлиллари ёрдамида баҳолаш, ошқозоннинг турли генезли касалликлари профилактикасини ишлаб чиқиш, даволаш тадбирларини такомиллаштириш юзасидан тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ-4887-сон «Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида», 2023 йил 11 сентябрдаги ПҚ-300-сон «Ўзбекистон-2030» стратегиясини 2023 йилда сифатли ва ўз вақтида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон олимлари томонидан энергетик ичимликларнинг организмга, жумладан ошқозон морфо-функционал ҳолатига таъсири долзарб муаммолар сифатида ўрганилиб келинган. Бир гуруҳ олимлар «Red bull» таъсирида эркак албинос каламушларда ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак шиллик қаватида юзага келган гистопатологик ўзгаришларни ўрганишди. Тадқиқот маълумотлари «Red bull» ичирилган каламушларда ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак секрециясининг камайганлигини кўрсатади, бу текширилаётган материалда Шифф бўёғи билан бўялиш реакциясининг - сезиларли даражада камайиши билан тасдиқланди. Бу натижалар Nawrot ва бошқалар (2003) олиб борган изланишлар билан мос келган бўлиб, улар ҳам кофеиннинг ошқозон шиллик қавати секрециясига ингибирловчи таъсири ошқозон шиллик қаватининг шикастланишида муҳим омиллардан бири бўлиши мумкинлигини хабар қилган. Ушбу тадқиқот натижалари апоптотик ҳужайралар сонининг сезиларли даражада кўпайганлигини кўрсатди, буни «Red bull» таъсирида каламушлар ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак шиллик қаватида каспаза-3-иммунопозитив

хужайраларининг сезиларли ошганлиги тасдиқлайди (Raeesa A., 2018). Яна бошқа тадқиқотлар энергетик ичимликлар таъсирида турли органларда, шу жумладан ошқозон ости беши ва ошқозон тубида (Аyuob, El Beshbeishy, 2016), жигарда (Хаууат et al., 2012), субмандибуляр сўлак бешида (Muborak, 2012) гистопатологик ўзгаришлар бўлганлигини кўрсатди. Бу тадқиқотларда ошқозон эпителий хужайралари ва ошқозон ости беши ацинар хужайраларида оксидловчи стресс туфайли апоптоз кўпайганлиги аниқланди. Нухтабле (1992) ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак шиллик қаватига таурининг кофеинга кўшимча кучайтирувчи таъсирини аниқлади.

Ўзбекистонда экспериментал омиллар таъсири натижасида ичак шиллик пардаси эпителийси эндокрин хужайраларининг ҳолати ва фаоллиги, мелатонин, доксиламин сукцинат таъсири ва ёғ моддасига бой озуқа билан боқилган ҳайвонлар ичаги шиллик пардаси эпителийси эндокрин хужайраларидаги реактив ўзгаришлар қатор олимлар томонидан ўрганилган (Т.Д.Дехканов, Х.Х.Бойкузиев, Ф.С.Орипов, 2016; Т.Д.Дехканов, Ф.С.Орипов, 2021; Т.Д.Дехканов, З.М.Рахмонов, Н.Т.Дехканова, 2014; С.С.Мирзаева, А.Ф.Орипова, Ф.С.Орипов, 2021), бироқ энергетик ичимликлар ёки унинг таркибий қисмларининг ошқозон деворига таъсири етарлича ўрганилмаган.

Юқорида баён этилган маълумотлар энерготоникларнинг ошқозон деворининг морфофункционал ҳолатига таъсирини ўрганишга ва уларнинг ошқозон-ичак тизими ферментларига таъсирини зардоб даражасида текширишга қаратилган тадқиқотларни ўтказиш зарурлигини тақозо этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат тиббиёт университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 5436 №012000260 «Инсон учун ижтимоий аҳамиятга эга инфекцион ва ноинфекцион этиологияли касалликларнинг профилактикаси, диагностикаси ва давоси учун илғор технологияларни ишлаб чиқиш» (2019-2023 йй.) мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади энергетик ичимликлар таъсирида ошқозон деворидаги морфофункционал ўзгаришларни баҳолаш ҳамда оқибатларини олдини олиш буйича амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

назорат ва тажриба гуруҳи ҳайвонлари ошқозони девори морфологик ва морфометрик кўрсаткичларининг солиштирма таҳлил қилиш ва баҳолаш;

моноклонал антителолар ёрдамида иммуногистокимёвий текшириш усулида энергетик ичимликлар таъсирида тажриба ҳайвонлари ошқозони деворидаги юзага келган яллиғланиш жараёнини CD3 ва CD20 рецепторларнинг реакциясини аниқлаш йўли билан баҳолаш;

энергетик ичимликлар таъсирида тажриба ҳайвонлари ошқозони шиллик қаватининг функционал ва морфологик ўзгаришлари даражасини қондаги пепсиноген I ва II, ҳамда СА 74-2 специфик антигенини аниқлаш орқали баҳолаш;

энергетик ичимликларнинг ҳар хил муддат давомида таъсири оқибатида ошқозонда юзага келган морфофункционал ўзгаришларни коррекциялаш мақсадида қўлланилган кунжут мойининг самарадорлигини баҳолаш;

энергетик ичимликларнинг салбий таъсири натижасида ошқозонда юзага келган морфофункционал ўзгаришларни эрта ва ўз вақтида ташхислаш, ҳамда оқибатларини олдини олиш юзасидан амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 156 та 3 хил ёшдаги (12, 24, 36 ҳафталик) соғлом каламушлар тажриба учун танлаб олинган.

Тадқиқот предметини каламушлар ошқозон деворидан олинган гистологик кесмалар ва юракдан олинган веноз қон ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда энергетик ичимликлар таъсирида ошқозон деворидаги морфофункционал ўзгаришларни баҳолаш учун умумгистологик, морфометрик, иммуногистокимёвий, иммунологик лаборатор текширув ва статистик усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

энергетик ичимликларнинг қисқа муддатли ва сурункали таъсири натижасида турли ёш диапазони (ўсмирлар, ёшлар, катта ёшли) қамраб олинган ҳолда ошқозон девори тузилмаларида кузатиладиган морфофункционал ўзгаришлар тажриба ҳайвонларида асосланган;

моноклонал антитаначалар ёрдамида иммуногистокимёвий текшириш усули билан CD20 ва CD3 рецепторларининг экспрессия даражасини аниқлаш орқали тажриба ҳайвонларнинг ошқозон деворидаги яллиғланиш жараёнлари натижасида юзага келадиган морфофункционал ўзгаришлар асосланган;

энергетик ичимликлар таъсирида ошқозон шиллик қаватининг шикастланиш даражаси ва унинг морфофункционал ўзгаришлари қондаги пепсиноген I ва II даражасини, шунингдек ошқозон шиллик пардасининг без тўқималари томонидан ишлаб чиқарилган СА 74-2 специфик антигени миқдорини аниқлаш орқали исботланган;

энергетик ичимликлар таъсирининг турли даврларида ошқозон деворидаги функционал ва морфологик ўзгаришларни коррекциялаш учун қўлланиладиган кунжут мойининг самарадорлиги исботланган;

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

энергетик ичимликлар таъсирида юзага келган ошқозон деворининг морфо-функционал ўзгаришларини белгиловчи патоморфологик ва лаборатор текширув маълумотлари (пепсиноген I ва II, ўсма маркери СА 74-2) амалий соғлиқни сақлаш тизимига тақдим этилган;

тадқиқот натижасида нафақат энергетик ичимликлар билан боғлиқ, балки ошқозоннинг турли бошқа касалликлари учун муҳим бўлган ошқозон

морфо-функционал ҳолатини белгиловчи клиник, лаборатор, инструментал ва патоморфологик текширувлар мажмуи ишлаб чиқилган;

энергетик ичимликларни суистеъмол қилиш оқибатида ошқозон шиллик қаватининг зарарланиши ҳолатларида ва буни олдини олишда коррекция қилиш маҳсулоти сифатида кунжут мойининг самарадорлиги исботланган;

энергетик ичимликларни истеъмол қилиш ва чеклаш керак бўлган ҳолатлар бўйича амалий тавсиялар берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада тажриба ҳайвонлар танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган умумгистологик, морфометрик, иммуногистокимёвий, иммунологик лаборатор текширув ва статистик тадқиқот усуллар асосида энергетик ичимликлар таъсирида ошқозон деворидаги морфофункционал ўзгаришларни баҳолашнинг ўзига хослиги, натижаларнинг халқаро ва маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти назорат гуруҳига нисбатан тажриба гуруҳи ҳайвонларида энергетик ичимликлар таъсирида ошқозон деворидаги морфо-функционал ўзгаришлар морфологик, морфометрик, иммуногистокимёвий кўрсаткичларнинг, проферментлар пепсиноген 1, пепсиноген 2, ҳамда СА 74-2 специфик антигенининг ишончли ўзгарганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти экспериментал шароитда каламушларда энергетик ичимликлар таъсири натижасида юзага келиши мумкин бўлган ўзгаришларнинг асосланганлиги, тажриба ҳайвонлари қон зардобида ПГ ва специфик антиген СА 74-2 ни комплекс равишда текшириш ошқозон шиллик қаватидаги морфофункционал ўзгаришлар даражасини баҳолаш учун асос бўлиши, қон зардобида пепсиногенлар даражасининг паст бўлиши ошқозон саратони олди ҳолатини белгиловчи омиллар экани аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Самарқанд давлат тиббиёт университети Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгашининг 2024 йил 29 мартдаги 26-сонли хулосасига кўра (илмий янгиликни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш тўғрисида Самарқанд давлат тиббиёт университетининг 2023 йил 19 декабрдаги 2789-сонли хати Соғлиқни сақлаш вазирлигига тақдим этилган):

биринчи илмий янгилик: энергетик ичимликларларнинг қисқа муддатли ва сурункали таъсири натижасида турли ёш диапазони (ўсмирлар, ёшлар, катта ёшли) қамраб олинган ҳолда ошқозон девори тузилмаларида кузатиладиган морфофункционал ўзгаришлар тажриба ҳайвонларида асослангани Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий маркази Самарқанд филиали бўйича 13.01.2024 йилдаги 15-сон ҳамда Самарқанд давлат тиббиёт университети кўп тармоқли клиникаси бўйича 08.01.2024 йилдаги 14-сон

буйруқлари билан амалиётига жорий этилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:* ҳазм тизими ҳар хил касалликлари бўлган катта ёшли одамлар (40 ёшдан катталар)да энергетик ичимликлар таъсирида ёки энергетик ичимликлар суиистеъмол қилинган ҳолатларда юзага келган сурункали гастрит ривожланишида эрта диагностика ҳисобига сурункали гастритнинг оғир асоратлари бўлган атрофик гастрит ва ошқозон ўсма касалликлари ривожланишини олдини олиш орқали ижобий натижаларга эришилганлиги ва беморлар ҳаёт сифати яхшиланиши билан изоҳланади. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* 1) атрофик гастрит ривожланиши натижасида даволаниш учун ўртача 1951000 сўм маблағ сарфланади; 2) энергетик ичимликлар суиистеъмол қилинган ҳолатларда юзага келган сурункали гастрит ривожланишида ва унинг натижасида узоқ вақт тўшакка боғланишга ва ногиронликка олиб келиши мумкин бўлган касалликларни олдини олиш орқали стационар даволаниш учун сарфланадиган бюджет харажатлари иқтисод қилишга эришилган. *Хулоса:* энергетик ичимликларнинг ошқозон деворига ноҳўя таъсири оқибатларида юзага келган патологик ўзгаришларни эрта диагностика қилиш ва юзага келиши мумкин бўлган асоратларни олдини олиш орқали 1 нафар бемор ҳисобига бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларни 1951000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган;

иккинчи илмий янгилик: моноклонал антитаначалар ёрдамида иммуногистохимёвий текшириш усули билан CD20 ва CD3 рецепторларининг экспрессия даражасини аниқлаш орқали тажриба ҳайвонларнинг ошқозон деворидаги яллиғланиш жараёнлари натижасида юзага келадиган морфофункционал ўзгаришлар асослангани Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий маркази Самарқанд филиали бўйича 13.01.2024 йилдаги 15-сон ҳамда Самарқанд давлат тиббиёт университети кўп тармоқли клиникаси бўйича 08.01.2024 йилдаги 14-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:* ошқозон деворида CD20 ва CD3 рецепторлар экспрессиясини иммуногистохимёвий усулда текшириш орқали нафақат энергетик ичимликлар таъсирида юзага келган, балки ошқозоннинг бошқа касалликларида сурункали яллиғланишларни, шу жумладан атрофик гастритларни эрта диагностика қилиш имконини беради. Бу биомаркерларнинг миқдорий таҳлилини ўтказиш ва олинган натижаларни Allred усулида баҳолаш орқали даволаш жараёнининг самарадорлигини баҳолаш мумкин бўлади. Махсус гастроэнтерологик бўлимлари бўлган даволаш-диагностик муассаларда бу усулдан фойдаланиш эвазига амбулатор муружаат қилган беморларда аутоиммун компоненти мавжуд бўлган сурункали гастритларни эрта ташхислаш ва даволашни ўз вақтида бошлаш имкони яратилади. Бунинг натижасида эса касалликнинг асоратлари частотасини камайтириш орқали беморларнинг меҳнат фаолиятига яроқсизлигини олдини олишга ва аҳолининг ижтимоий ҳолатини яхшилашга эришилган. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* ошқозон деворида CD20 ва CD3 рецепторлар экспрессиясини текшириш орқали нафақат энергетик ичимликлар таъсирида юзага келган, балки ошқозоннинг бошқа

касалликларида амбулатор муружаат қилган беморларда бу текширувдан фойдаланиш эвазига беморларда аутоиммун компоненти мавжуд бўлган сурункали гастритларни эрта ташхислаш ва амбулатор даволашни ўз вақтида бошлаш имкони яратилади. Бунинг натижасида даволаниш учун сарфланадиган ўртача 1951000 сўм маблағ иқтисод қилишга эришилган. *Хулоса:* ошқозондаги CD20 ва CD3 биомаркерларни иммуногистохимёвий текшируви натижасида энергетик ичимликлар таъсири оқибатида юзага келган ошқозондаги морфофункционал ўзгаришларни эрта ташхислаш натижасида 1 нафар бемор ҳисобига бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларини 1951000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган;

учинчи илмий янгилик: энергетик ичимликлар таъсирида ошқозон шиллик қаватининг шикастланиш даражаси ва унинг морфофункционал ўзгаришлари қондаги пепсиноген I ва II даражасини, шунингдек ошқозон шиллик пардасининг без тўқималари томонидан ишлаб чиқарилган СА 74-2 специфик антигени миқдорини аниқлаш орқали исботлангани Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий маркази Самарқанд филиали бўйича 13.01.2024 йилдаги 15-сон ҳамда Самарқанд давлат тиббиёт университети кўп тармоқли клиникаси бўйича 08.01.2024 йилдаги 14-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:* энергетик ичимликларни узоқ муддат ва катта миқдорда истеъмол қилиш натижасида узоқ вақт тўшаққа боғланишга ва стационар даволанишга муҳтожликка олиб келувчи ошқозон-ичак сурункали касалликларини олдини олиш ва эрта диагностика қилиш орқали ижтимоий самарадорликка эришилади. Булар натижасида эса аҳолининг ҳаёт сифатини яхшилашга эришилади. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* энергетик ичимликларнинг таъсири оқибатлари ёки ошқозоннинг бошқа турли генезли касалликлари диагностикасида дастлаб ноинвазив лаборатор текширувлар натижаларига кўра кўрсатма асосида беморни кейинги диагностик босқичга – инвазив диагностикага (гастроэндоскопия ва ошқозон тўқимаси биоптатларини гистологик, гистохимёвий текширувлари) йўналтириш орқали касалликларни осон ва эрта ташхислаш имконияти туфайли иқтисодий самарадорликка эришилади. Чунки энергетик ичимликларнинг суистемоли натижасида юзага келиши мумкин бўлган асоратларни ноинвазив диагностикаси қўлланилганда битта бемор учун иқтисодий самарадорлик 386000 сўмни ташкил қилди. *Хулоса:* экспериментал ҳайвонларда энергетик ичимликлар таъсирида ошқозон деворининг қаватларида юзага келган реактив морфофункционал ўзгаришларни эрта диагностикасида юқорида келтирилган лаборатор тестлар комбинациясининг қўлланилиши 1 нафар бемор ҳисобига бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларини 386000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган;

тўртинчи илмий янгилик: энергетик ичимликлар таъсирининг турли даврларида ошқозон деворидаги функционал ва морфологик ўзгаришларни коррекциялаш учун қўлланиладиган кунжут мойининг самарадорлиги исботлангани Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий маркази Самарқанд филиали бўйича 13.01.2024 йилдаги 15-сон ҳамда Самарқанд давлат тиббиёт университети кўп тармоқли клиникаси бўйича 08.01.2024

йилдаги 14-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:* энергетик ичимликларни узоқ муддат ва катта миқдорда истеъмол қилиш натижасида келиб чиққан ошқозоннинг сурункали касалликларини олдини олиш ва коррекциялаш мақсадида кунжут мойининг берилиши беморларда ошқозон деворидаги юзага келиши мумкин бўлган узоқ вақт тўшакка боғланишга ва стационар даволанишга муҳтожликка олиб келувчи касалликлар ривожланишининг олди олинишига олиб келади ва ижтимоий самарадорликка эришилади. Булар натижасида аҳолининг ҳаёт сифати яхшилашга эришилади. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* 1 нафар беморнинг юзага келиши мумкин бўлган атрофик гастрит натижасида шифохонада ўртача 7 кунгача бўлган даволаниш муддати олди олинади. Натижада 1 нафар бемор ҳисобига бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларни 1951000 сўмга иқтисод қилиш имконига эришилади. *Хулоса:* энергетик ичимликларни узоқ муддат ва катта миқдорда истеъмол қилиш натижасида келиб чиққан ошқозоннинг сурункали касалликлари ривожланишини олдини олиш чора тадбирлари ишлаб чиқилиб, 1 нафар бемор ҳисобига бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларини 1951000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан 7 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хотима, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Энергетик ичимликлар таъсирида ошқозон деворининг структур-функционал ўзгаришлари, коррекция усулларини оптималлаштиришга бағишланган илмий адабиётлар шархи**» деб номланган биринчи бобида, маҳаллий ва хорижий илмий адабиётлар таҳлил қилинган. Бобнинг “*Энергетик ичимликлар. Энергетик ичимликларнинг таркиби ва уларнинг алоҳида компонентларининг организмга таъсири*” деб номланган биринчи бўлимида энергетик ичимликлар ҳақида умумий маълумотлар, уларнинг асосий таркибий қисмлари ва таъсир қилувчи

компонентлари бўйича маълумотлар мавжуд. Энергетик ичимликларда учровчи асосий таркибий компонентларнинг одам организмига таъсир механизмларига оид адабиёт манбааларининг таҳлили келтирилган. Бобнинг *“Энергетик ичимликларнинг одам организмнинг алоҳида аъзо ва тизимларига таъсири”* бўлимида энергетик ичимликларни ортиқча истеъмол қилиш одам саломатлигига ўта салбий таъсир кўрсатиши, жумладан юрак-қон томир, марказий асаб тизими, шунингдек ошқозон-ичак тракти ва буйраклар зарарланишига олиб келиши мумкинлиги тўғрисидаги кўплаб адабиётлар таҳлили изоҳланган. Бобнинг *“Ошқозон морфо-функционал ҳолатини баҳолашда лаборатория диагностикасининг замонавий имкониятлари”* деб номланган бўлимида энерготоникларнинг ошқозон девори ҳолатига таъсирини гистопатологик оқибатларини чуқур ўрганишда ошқозон-ичак тизими гормонларининг қондаги даражасини аниқлаш, замонавий лаборатория диагностикасининг имкониятлари ва аҳамияти ҳақидаги адабиётлар таҳлили берилган.

Диссертациянинг **«Энергетик ичимликлар таъсирида ошқозон деворининг морфофункционал ўзгаришларини ва уни коррекция қилиш усулларини ўрганиш бўйича материаллар ва текширув услублари»** деб номланган иккинчи бобида муаммонинг ечимини таъминлайдиган тадқиқот усуллари ва ёндашувлар тўлиқ тавсифланган. Белгиланган вазифаларни бажаришда тадқиқот объекти сифатида 12, 24, 36 ҳафталик эркак жинсли албинос каламушларнинг ошқозони олинди. Тажриба ҳайвонлари уч гуруҳга бўлинди. Биринчи, яъни назорат гуруҳи ҳайвонларини 18 та эркак жинсли албинос каламушлар ташкил қилди. Уларга 4,8,12 ҳафта давомида ҳар куни зонд орқали бир марта 7,5 мл физиологик эритма ичирилди. Иккинчи тажриба гуруҳни (1-асосий гуруҳ) 73 та тажриба ҳайвонлари ташкил қилиб, уларга 4, 8, 12 ҳафта давомида экспериментал йўл билан энергетик ичимлик таъсир қилинди. Учинчи тажриба гуруҳидаги (2-асосий гуруҳ) 65 та тажриба ҳайвонларга 4, 8, 12 ҳафта давомида энергетик ичимлик таъсир қилинганидан кейин, 4 ҳафта давомида кунжут мойи бериш йўли билан коррекция қилинди.

Энергетик ичимликлар таъсирида ошқозон деворида юзага келиши мумкин бўлган ўзгаришлар 156 та эркак жинсли оқ каламушда экспериментал тадқиқотда ўрганилди. Тажриба ҳайвонлари 2010 йил 22 сентябрдаги Европа Парламенти ва Европа Иттифоқи Кенгашининг илмий мақсадларда фойдаланиладиган ҳайвонларни ҳимоя қилиш бўйича 2010/EU директивасига асосан, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Этик кўмитадан лаборатория ҳайвонларида тажрибалар ўтказиш учун ёзма рухсатномаси (ЎзР ССВ қошидаги Этика кумитасининг 1/9-1854-сонли баённомаси) асосида жонсизлантирилди ва улардан текширувлар ўтказиш учун тадқиқот предмети сифатида қон ва ошқозони олинди. Олинган матеалларни ўрганиш морфологик, морфометрик, иммуногистокимёвий, лаборатор текширувлар ва статистик тадқиқот усулларида фойдаланишга асосланган.

Парафинли блоклардан микротомлар ёрдамида олинган кесмалар ошқозон структуравий тузилмаларининг умумий морфологиясини ва морфометриясини ўрганиш мақсадида гематоксилин-эозин усулида бўялди. Ошқозон девори тузилмаларини расмга олиш учун “Leica” русумли ёруғлик микроскопи ва махсус камерадан фойдаланилди. Тажриба ҳайвонлари

ошқозони девори тузилмаларини морфометрик текшириш учун окуляр линейкадан ва тузилмаларнинг тарқалиш зичлигини аниқлаш учун 256 та кесишма нуктаси мавжуд бўлган окуляр тўрдан фойдаланилди. Кўрув майдонида ошқозон деворидан тайёрланган препаратлардан шиллик парда безларининг зичлигини ҳисоблаш учун 4x10 катталаштиришда махсус морфометрик турли окулярдан фойдаланилди. Ошқозон девори шиллик қавати, шиллик ости қатлами, мушак ва сероз қаватларининг қалинлиги микропрепаратда окуляр линейка ёрдамида ўлчанди ва олинган маълумотларга статистик ишлов берилди.

Кейинги босқичда ошқозондаги морфо-функционал ўзгаришлар белгилари иммунофермент усул ёрдамида баҳоланди. Иммунофермент анализ (ИФА) учун олинган қон намуналари 30 дақиқа давомида хона ҳароратида қолдирилди, сўнгра 15 дақиқа давомида 4000 айланиш тезликда центрифуга қилинди. Зардоб намуналари ажратиб олингач ИФА текширувигача музлатгичда -20°C да сақланди. Пепсиноген 1 ва 2, онкомаркер СА74-2 иммунологик текширувлари Россияда ишлаб чиқарилган махсус иммунофермент анализ (ИФА) учун мўлжалланган тест тўпламлари ёрдамида ўтказилди.

Иммуногистохимёвий текширувга Bond Leica Australia (Австралия) иммуногистопроцессордан фойдаланган ҳолда ошқозон девори тўқимасида CD3 ва CD20 моноклонал антителалар орқали хужайралар экспрессияси ўрганилди.

Диссертациянинг **«Каламушлар ошқозони девори тузилиши ва энергетик ичимликлар таъсирида морфофункционал ўзгаришлари таҳлили»** деб номланган учинчи бобида ҳар хил ёшдаги тажриба ҳайвонларида 4, 8, 12 ҳафта давомида энергетик ичимлик таъсири оқибатида ошқозонда кузатиладиган морфо-функционал реактив ўзгаришлар ўрганиб чиқилган.

12 ҳафталик 4, 8, 12 ҳафта давомида энергетик ичимликлар таъсирида бўлган асосий гуруҳ билан назорат гуруҳи каламушларининг ошқозон девори қаватларининг морфометрик кўрсаткичлари таққосланганда қуйидаги маълумотлар олинди:

4 ҳафта давомида ЭИ истеъмол қилган тажриба ҳайвонларида шу ёшдаги назорат гуруҳига нисбатан ошқозон деворининг умумий қалинлиги 13,5% га, 8 ҳафта давомида ЭИ истеъмол қилган тажриба ҳайвонларида эса ошқозон деворининг умумий қалинлиги 17,5% га камайганлиги аниқланди. Бу ўзгаришлар асосан шиллик қавати қалинлигининг юпқалашганлиги ва шиллик парда безларининг тарқалиш зичлиги камайганлиги билан номоён бўлди. Сурункали таъсир (12 ҳафта давомида) натижасида ошқозон деворининг умумий қалинлиги 24% га камайганлиги аниқланди. Ишонарли кескин ўзгаришлар шиллик (32,5%га), шиллик ости қаватларининг (13%га) юпқалашуви, ҳамда шиллик қават безларининг сони камайиши (24%) билан номоён бўлди. Мушак-сероз парданинг юпқалашуви (11%га) энергетик ичимликни сурункали истеъмол қилган тажриба ҳайвонларида аниқланди (1-расм).



1-расм. 1- асосий гуруҳнинг 12 ҳафталик ҳайвонлари ошқозонининг назорат гуруҳига нисбатан солиштирма морфометрик кўрсаткичлари

24 ҳафталик тажриба ҳайвонларида 4 ва 8 ҳафта давомида ЭИ қабул қилганда назорат гуруҳига нисбатан ошқозон деворининг умумий қалинлиги иккала ҳолатда ҳам 31% га камайганлиги аниқланди. 12 ҳафта давомида, яъни ЭИ ларнинг сурункали таъсири оқибатлари шу ёшдаги назорат гуруҳига нисбатан таққосланганда, ошқозон деворининг умумий қалинлиги 32% га камайганлиги аниқланди. Бунда шиллиқ ва шиллиқ ости қаватлари 38%, мушак- сероз қаватлари 18% га, шиллиқ парда безларининг зичлиги эса 33% га камайган (2-расм).




2-расм. 24 ҳафталик тажриба ҳайвонларида назорат гуруҳига нисбатан ошқозон деворининг солиштирма морфометрик кўрсаткичлари

Ҳар хил муддат давомида ЭИ истеъмол қилган 1- асосий гуруҳдаги 36 ҳафталик каламушлар ошқозонидаги морфометрик реактив ўзгаришлар таҳлили учала муддатда ҳам салбий бўлиб, аммо сурункали таъсири натижасида кескин ўзгаришлар юзага келди. Бу каламушларларда ошқозоннинг барча қаватларининг сезиларли ва ишонарли юпқалашуви (шиллик қават 47%, шиллик ости 31%), безлар зичлиги (41%) пасайиши сурункали таъсир оқибатида юзага келган (3-расм).




3-расм. 36 ҳафталик тажриба ҳайвонларида назорат гуруҳига нисбатан ошқозон морфометрик кўрсаткичларининг ўзгариши

Ошқозон деворида шиллик ва шиллик ости пардаси майда қон томирларининг тўлақонлилиги, яллиғланиш белгилари, лимфоцитлар инфильтрацияси ўчоқлари аниқланди. Ошқозон шиллик пардаси безлари атрофияси, гистологик кўриниши жиҳатдан сурункали гастритга хос бўлган ўзгаришлар аниқланди (4-расм).




4-расм. 36 ҳафталик, 12 ҳафта давомида ЭИ қабул қилган каламушлар ошқозон деворида яллиғланиш ва лимфоцитар инфильтрация ўчоқлари. Бўялиши Г-Э. Оқ 10. Об 40.

Имуногистохимёвий текшириш натижасида назорат гуруҳи ҳайвонларида ошқозон шиллиқ қаватида CD3 маркерли Т лимфоцитлар ва CD20 маркерли В лимфоцитлар аниқланмади. Иккала реагентларнинг ҳам негатив реакцияси кузатилди (5-расм).



5-расм. Имуногистохимёвий препарат: Назорат гуруҳи каламушлари ошқозонида CD20 (А) ва CD3 (Б) реагентининг негатив реакцияси. Бўёк: ДАБ-хромоген. Ок10 х ок40.


Биринчи асосий гуруҳнинг 9 ойлик 1 ой энергетик истеъмол қилган каламушларида эса имуногистохимёвий текшириш натижасида ошқозон деворида лимфоид тўқиманинг инфильтрация ўчоқлари кўринишидалиги ва CD20 маркер кучли экспрессияланиши, бирламчи фолликулалари ҳали иккиламчи кўринишига айланмаганлиги аниқланди. Бунда ошқозон безларининг айрим жойларида енгил даражали позитив реакция аниқланди. Ошқозон безларидаги лимфоид инфильтратнинг таркибида қисман CD3 маркерли Т-лимфоцитлар экспрессияланганлиги аниқланди. 9 ойлик 3 ой энергетик истеъмол қилган каламушлар ошқозонида CD20 нинг ўрта миқдордаги экспрессияланиши (6А-расм) ва ошқозон шиллиқ қавати безлари атрофияси аниқланди. Бунда 30% каламушларда паст ва 70% каламушларда ўрта позитив (6Б-расм) реакция кузатилди. Ошқозон безлари, ҳамда шиллиқ ва шиллиқ ости қаватларининг атрофияси, яллиғланиш ўчоқларида CD3 маркерининг экспрессияланиши аниқланди.



6-расм. Имуногистохимёвий препарат: 3 ой энергетик қабул қилган 9 ойлик каламушлар ошқозон шиллиқ қавати бирламчи лимфоид фолликулаларида CD20нинг ўртача экспрессияланиши (А) ва CD3 маркерли Т-лимфоцитларнинг ўрта даражали экспрессияланиши (Б). Бўёк: ДАБ-хромоген. Ок10 х ок40.

Ҳар хил ёшдаги 1-асосий гуруҳ каламушлари ошқозонида кузатиладиган морфофункционал ўзгаришларни белгиловчи ПГ1, ПГ2 миқдори ва ПГ1/ПГ2 нисбати, ҳамда СА 74-2 миқдорининг реактив ўзгаришларини ЭИ ни қабул қилиш муддатига асосан таҳлил қилинганда, бу ўзгаришлар ЭИ ни сурункали истеъмол қилган тажриба ҳайвонларида ишонарли ва кескин ўзгарганлиги аниқланди. ЭИ ни сурункали (12 ҳафта) истеъмол қилган 3 ойлик каламушларда ПГ1 даражаси назорат гуруҳи ҳайвонларига нисбатан 70% га ва ПГ2 60% га, ПГ1/ПГ2 нисбати 28% га камайган бўлиб, специфик антиген СА 74-2 миқдори нормал диапазонга нисбатан 4 баробарга кўтарилганлиги кузатилди. ЭИ ни сурункали (12 ҳафта) истеъмол қилган 6 ойлик каламушларда ПГ1 даражаси назорат гуруҳи ҳайвонларига нисбатан 75% га ва ПГ2 64% га, ПГ1/ПГ2 нисбати 31% га камайган бўлиб, специфик антиген СА 74-2 миқдори нормал диапазонга нисбатан 6,5 баробарга ошган. ЭИ ни сурункали (12 ҳафта) истеъмол қилган 9 ойлик каламушларда ПГ1 даражаси назорат гуруҳи ҳайвонларига нисбатан 79% га ва ПГ2 62% га, ПГ1/ПГ2 нисбати 46% га камайган бўлиб, специфик антиген СА 74-2 миқдори нормал диапазонга нисбатан 23,5 (47,67 ХБ/мл) баробарга кўтарилган (7-расм).

Пепсиноген 1 ва 2 миқдорининг қон зардобида прогрессив камайиши пепсиногенлар секреция қилувчи фундал безларнинг шикастланганини билдиради. Келтирилган маълумотлар ЭИ нинг организмга сурункали салбий таъсири натижасида серологик жиҳатдан ошқозон девори шиллик қаватида атрофия белгилари юзага келганлигидан далолат беради.




7-расм. 12, 24, 36 ҳафталик каламушларда ЭИ нинг сурункали таъсири натижасида пепсиноген 1, пепсиноген 2, ПГ1/ПГ2 нисбати, СА74-2 миқдорининг назорат гуруҳига нисбатан ўзгариши

Диссертациянинг «Энергетик ичимликлар таъсирида ошқозон деворидаги морфофункционал ўзгаришлар коррекцияси» деб номланган тўртинчи бобида тадқиқотда иштирок этган 2-асосий гуруҳ каламушларига ЭИ истеъмол қилиш натижасида келиб чиққан ўзгаришларни коррекциялаш мақсадида кунжут мойи берилган бўлиб, бу кутилган натижаларни берди. Морфологик реактив ўзгаришларнинг ижобий томонга ўзгариши 3 та ёшдаги ҳайвонларда ҳам кузатилди. Жумладан, 3, 6, ва 9 ойлик ёшдаги ҳар хил

муддат давомида ЭИ истеъмол қилган ва кейин кунжут мойи билан коррекция қилинган тажриба ҳайвонларида 1- асосий гуруҳга нисбатан ошқозон девори морфометрик кўрсаткичларининг ўзгариши учала ёш буйича таққосланганда қуйидаги маълумотлар олинди:


